

1-2- оят. «Алиф, Лом, Мим. Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтихон килинмаган холларида, кўйиб кўйишларини ўйладиларми?!»

Жаъбий: – Бу оят Маккадаги Исломга кирган инсонлар хақида нозил бўлган.

Мадинадаги мусулмонлар уларга: – Токи сизлар хижрат килмагунингизгача сизларнинг Исломингиз қабул килинмайди, – хат ёзиб юборишди. Буни ўкиб улар Мадинага қараб йўлга чиқишди. Макка мушриклари уларни қувиб етиб, азият етказишди. Шунда улар хақида ушбу оят нозил бўлди. Мадина мусулмонлари яна уларга ёзиб юборишди. Буни ўкиб улар: – Яна хижрат қилиб чиқамиз, бирор киши бизга эргашса, у билан жанг қиламиз, – дейишди-да, яна чиқишди. Улардан айримлари ўлдирилди. Айримлари нажот топди. Шунда Аллох таоло улар хақида: «Кейин Роббингиз фитналанганларидан сўнг хижрат қилган кишиларга...» оятини нозил қилди.

Мукотил: – Бу оят Умар ибн Хаттобнинг озод қилган қули Махжаъ хақида нозил бўлган. У Бадр қуни ўлдирилган энг биринчи мусулмон эди. Амр ибн Хазромий қамон билан отиб уни ўлдирилди. Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): – Махжаъ шаҳидларнинг саййидидир. У бу умматдан жаннат дарвозасига энг биринчи қақирладиган кишидир, – дедилар. У ўлдирилганда ота-онаси ва аёли қаттиқ қайгурди. Шунда Аллох таоло улар хақида ушбу оятни нозил қилиб, Аллох йўлида машаккат ва балолар бўлиши хақида хабар берди.

8 - оят. «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (яъни ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин – уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (яъни сохта «худо»ларни) Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у холда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас (ана ўша кунда) Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман».

Муфассирлар айтишадики: – Ушбу оят Саъд ибн Аби Ваккос хақида нозил бўлган. У Исломни қабул қилгач, онаси Жамила унга: – Эй Саъд, менга етдики, сен ота-бобонг динидан кечибсан, Аллохга қасамки, токи Мухаммадга кофир бўлмагунингча ва аввалги динингга қайтмагунингча, уйга қирмайман, шамол ва қуёшда туравераман, емайман ҳам, ичмайман ҳам, – деди. Саъд унинг энг яхши кўрган боласи эди. Саъд бош тортди. Онаси емасдан, ичмасдан, сояда турмасдан, уч қунгача сабр қилиб охири хушидан кетди. Шунда Саъд Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га бориб, буни у кишига айтиб берди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни ва Лукмон ва Ахкоф сураларидаги (ота-она хақидаги) оятларни нозил қилди.

Саъд ибн Молик (розияллоху анху) айтади: – Умми Саъд ўгли Саъд билан токи динидан қайтмагунича гаплашмасликка, емасликка, ичмасликка қасам ичди. Уч қунгача чидаб, машаккатдан хушидан кетиб қолди. Шунда Аллох таолооятни нозил қилди. Муслим ривояти.

8 - оят. «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (яъни ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин – уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (яъни сохта «худо»ларни) Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у холда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас (ана ўша кунда) Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг

хабарини берурман.

Саъд ибн Аби Ваккос (розияллоху анху) айтади: – Ушбу оят мен хакимда нозил бўлган. Мен онамга жуда яхшилик киладиган киши эдим. Исломга кирганимда онам менга: – Эй Саъд, сен янги ўйлаб топган дин нима ўзи? Касамки, бу динингни ташлайсан ёки мен ҳеч нарса емасдан, ичмасдан ўламан, кейин сен айбдор бўлиб: «Онасининг котили», – деган номни оласан, – деди. Мен: – Эй онажон, бундай килманг, мен бу динимни ҳеч нарсага алишмайман, – дедим. Онам емасдан бир кун турдилар, кийналиб тонг орттирдилар. Кейинги кун ва кечада ҳам емасдан турдилар. Жуда кийналиб тонг орттирдилар. Мен буни кўриб онамга: – Эй онажон, билиб кўйинг, Аллохга касамки, агар сизнинг жонингиз юзта бўлиб, битта-битта чикса ҳам, мен бу динимни ҳеч қачон тарк килмайман. Хохласангиз (таом) енг, хохламасангиз, еманг, – дедим. Онам бундай катъийликни кўриб (таом) едилар. Шунда ушбу оят нозил килинди.

10-оят. «Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари: «Аллохга иймон келтирдик», дейди-да, сўнг Аллох йўлида (кофирлар томонидан бирон азият билан) озорланса, одамларнинг (бу) фитна-озорларини Аллохнинг азоби каби қилиб олур (яъни ўтқинчи ҳокимларнинг фитна-фасодларидан Аллохнинг азобидан кўрккандек кўркиб, ўз иймон-эътиқодидан кечур). Касамки, агар Парвардигорингиз томонидан (сиз – мўминларга) галаба келса, шак-шубҳасиз улар: «Албатта. бизлар сизлар билан бирга эдик», дерлар. Ахир Аллох барча одамларнинг дилларидаги нарсаларни жуда яхши билгувчи эмасми?!»

Мужоҳид: – Бу оят тиллари билангина иймон келтирган кишилар хақида нозил бўлган. Аллох тарафидан бирор бало, мусибат уларга етса, фитналаниб-алданиб қолишарди.

Зохҳак: – Бу оят Маккадаги мунофиқ кимсалар хақида нозил бўлган. Улар иймон келтиришарди ва шу сабабли уларга азият етса, яна ширкларига қайтишарди.

Икрима ибн Аббос (розияллоху анху)дан: – Бу оят мушриклар азият бериб диндан чиқарган кимсалар хақида нозил бўлган. Улар (азиятлар сабабли) динларидан қайтишган эди. Улар хақида яна «...ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чогида фаришталар ...» (Нисо-97) ояти ҳам нозил бўлди.

60- оят. «Ўз ризку рўзини кўтара (яъни топа) олмайдиган канчадан-канча жонзотлар бордир. Аллох уларга ҳам, сизларга ҳам ризку рўз берур. У эшитгувчи, билгувчидир».

Ибн Умар (розияллоху анху) дан: – Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) билан бирга чикдик. Ансорларнинг боғларининг баъзисига кирдилар. У киши меваларни ердан олиб ея бошладилар-да: – Эй Ибн Умар, нима сабабдан емаяпсан, – дедилар. Мен: –Эй Расулulloх, егим келмаяпти, – дедим. У киши: – Лекин менинг егим келяпти. Мана шу тонг мен таом емаган тўртинчи тонгдир. (тўрт кундан бери тоам еганим йўк). Агар хохласам эди, Роббимга дуо қилар эдим, менга Кисро ва Кайсарнинг мулкича (мол) берарди. Эй Умарнинг ўгли, бир йиллик ризкларини яшириб саклаётган ва (Аллохни ризк берувчи эканлигига) ишончи заифлашган кавм ичида колганингда қандай бўлар экансан, – дедилар. Аллохга касамки, хали жойимиздан кимирламаган эдикки,..... ояти нозил бўлди.